



FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING
QARORI

Rovon shaharchasi 151400. A.Temir ko'chasi 95-yil. Tel (73) 462 50 30.

_____ -2021 yil

№ - _____



FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING QARORI

Rovon shaharchasi 151400. A.Temur ko'chasi 95-uy.Tel (73) 462 50 30.

30.01.2021yil

№ - 10

Сўх туманида янги ёшлар кичик саноат зонасини ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19-мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабр кундаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига қилган мурожаатномаси ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”нинг 2020 йил 16-октябр кундаги 336-сонли мурожаати ижросини таъминлаш юзасидан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сўх туманда кишлоқ хўжалигига мулжалланмаган буш турган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларни тўғридан тўғри бериш тўғрисида тумандаги доимий ҳаракатдаги ер ишлари комиссиясининг 2021 йил 20-январ кундаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19-мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабр кундаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига қилган мурожаатномаси ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”нинг 2020 йил 16-октябр кундаги 336-сонли мурожаати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туманда ёшлар кичик саноат зонасини ташкил этиш учун Ҳазрати Али МФЙ “Кулако” массивидаги 277-сонли ер контуридаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан банд бўлмаган ёшларни иш билан

бандлигини таъминлаш мақсадида **3.0 гектар** ер майдони танлансин ва ажратилсин.

4. Туман ҳокими ўринбосарлари, Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (Р.Нозиров) билан биргаликда;

- **Уч кун муддат** иловада кўрсатилган ишлаб чиқариш майдонларини ва бўш турган, фойдаланилмаётган объектларни кичик саноат зонаси ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳўзурида "Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси" тасарруфига беминнат ўтказиб берилишини таъминлаш;

- янги ташкил этилаётган кичик саноат зонасига худуднинг табиий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиққан ҳолда, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи тайёр махсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа ташаббускорларини кенг жалб қилиш вазибалари юклатилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари С.Мирзоев маъсул ташкилотлар билан биргаликда янги ташкил этилаётган кичик саноат зонасига 2021 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрласин ва тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари (М.Ботиров), (И.Тожибоев), туман Тадбиркорликга кўмаклашиш маркази директори (А.Мамажонов), тижорат банк раҳбарлари билан биргаликда янги ташкил этилаётган кичик саноат зонасини тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини самарали йўлга қўйишларига бевосита кўмаклашсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари (М.Ботиров), (И.Тожибоев), Бандликка кўмаклашиш маркази (Р.Жонизоқов) билан биргаликда янги ташкил этилаётган кичик саноат зоналарини ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринларни яратиш, ушбу янги иш ўринларига биринчи навбатда соҳа мутахассислари, худуддаги кам таъминланган боқувчисини йўқотган ҳамда уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш (бандлигини таъминлаш) чораларини кўрсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари (Б.Латипов)га Ёшлар кичик саноат зонасига ёшларни жалб ташкил этилаётган иш ўринлари бўйича лойиҳа ҳисобот шаклини юритган ҳолда мониторинг ўрганишлар ва таҳлиллар олиб бориш, амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳисобот бериб борсин.

8. Халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатларига, Кенгаш қарорлари билан ташкил этилаётган ёшлар кичик саноат зонасига, маҳаллий тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитлар, уларга берилаётган имтиёزلардан ўз вақтида самарали фойдаланишлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланиши, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, иш ўринлари яратилиши юзасидан мониторинг ўрганишлар олиб бориш, доимий комиссиялар йиғилишлари ва Кенгаш сессияларида маъсулларнинг ҳисоботларини тинглаш орқали депутатларни назоратини олиб бориш тавсия этилсин.

9. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (А.Жураев), "Садон Сўх" рўзномаси газеталарида янги ташкил этилаётган кичик саноат зоналари фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ёшлар кичик сваноат зонасига жойлаштирилаётган фуқароларга берилаётган ер майдонидан мақсадли фойдаланиш, инвестиция мажбуриятларини таъминлаш, ердан мақсадли фойдаланмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 10-бандига мувофиқ ер участкасига булган ҳуқуқи бекор қилишни кўрсатиб утилсин.

11. Ушбу қарорни бажарилишини туман ҳокимининг ўринбосарлари М.Ботиров ва И.Тожибоев зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



С.Сайидмусаев

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари



М.Ботиров

Туман ҳокимининг
ўринбосари



С.Мурзоев

Туман ҳокимининг
ўринбосари




М.Мавлонбеков

Туман ҳокимининг
ўринбосари



И.Тожибоев

Кадастр агентлиги
Сўх тумани бўлими



Р.Нозиров

2021-02-24 16:01:39